

G'arbiy Turk xoqonligi tangalari Toshkentda zarb qilinganmi?

# ГАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ ТАНГАЛАРИ ТОШКЕНТДА ЗАРБ ҚИЛИНГАНМИ?

Президентимиз шу йил 20 май куни пойтахтимиздаги Адиблар хиёбонида ташири чоғида ушбу ҳудудда ташкил этилган Тошкент шаҳри музейини ҳам кўздан кечирди. Тошкентда илмий тадқиқотлар учун жуда катта манба борлиги, лекин шу пайтгача яхлит ва тўлиқ ўрганилмаганини, энди 2200 йиллик тарихни даврма-даврма ўрганиш, музейни ашёвий далиллар билан бойитиб, шаҳар цивилизациясини тўла юзага чиқариш кераклигини таъкидлади.

## Тадқиқот

Дарҳақиқат, Шош, Чоч, Бинкат, Бинокат каби номлар билан аталган Тошкент шаҳри тарихи нихоятда бой. Жумладан, ушбу кент VI — VIII асрларда дунёнинг энг йирик салтанатларидан бири ҳисобланган Г'арбий Турк хоқонлигининг бошқарув марказларидан бири бўлган.

Марказий Осиё ва унга қўшни ўлкалардаги кенг ҳудудларда ҳукм сурган Буёқ Турк хоқонлиги (552 — 744) ва унинг таркибий бир қисми бўлиши Г'арбий Турк хоқонлиги (568 — 740) Марказий Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқи давлатчилиги тарихида муҳим ўрин эгаллайди. Қарийб икки юз йил мобайнида Г'арбий Олтойдан то Қора денгизнинг шимолигача, Волга — Урал бўйларидан то Шимолий Ҳиндистонгача бўлган ҳудудда ўз ҳокимиятини ўрнатган Г'арбий Турк хоқонлиги таркибиغا Сирдарё ва Амударё оралигидаги Чоч, Фарғона, Уструшона, Суғд, Бухоро, Тохаристон ва Хоразм ҳукмдорликлари кирган бўлиб, ушбу воҳаларнинг географик ўрни, асосан, бугунги Ўзбекистон ҳудудига тўғри келади.

Ҳитой, юнон, қисман эса араб-форс тилидаги баъзи манбалар Г'арбий турк хоқонлари ўз қароргоҳи сифатида, нафақат Ертисувдаги шаҳарларни танлашгани, балки вақти-вақти билан ўз бошқарув марказларини Юлдуз водийси (Шарқий Туркистон) ва Чоч воҳасига қўчиришганидан дарак беради.

Шу билан бирга, кейинги йилларда Тошкент воҳасида топилаётган нумизматик материаллар бу масалани аниқлашда муҳим ўрин тутди. Хусусан, ушбу Чоч воҳасида VI — VIII асрларда зарб қилинган тангаларнинг сезиларли қисми Г'арбий Турк хоқонлигига тегишли бўлиб чиқгани воҳанинг хоқонлик бошқарув марказларидан бири бўлганлигини илмий жиҳатдан исботлади.

Қарийб йигирма йиллик изланишларимиз натижасида Г'арбий Турк хоқонлигининг мамлакатимиз ва жаҳон тангашунослигига маълум бўлмаган бир неча ўнлаб турдаги тангалари аниқланиб, илмий муомалаларга киритилди. Бугунги кунда, асосан, Тошкент, Фарғона, Сурхондарё вилоятларидаги исломдан олдинги даврларга тегишли шаҳарлар қолдиқларидан топилаётган юзлаб тангалар синчиқлаб ўрга-

ниланганда, уларнинг "хоқон", "хотун", "жабғу", "жабғу-хоқон", "тегин", "туғуқ", "тархон" каби ўнлаб туркий унволар билан босилгани аниқланди. Ушбу тангаларнинг сезиларли бўлаги тўғридан-тўғри хоқонлик, бир бўлаги эса хоқонлик билан алоқадор сулолалар томонидан зарб қилинган. Жумладан, VI — VIII асрларда Чоч (Тошкент) воҳасида бостирилган мис тангаларнинг каттагина бўлаги Турк хоқонлигининг олий ҳукмдорлари — хоқон ва жабғуларга тегишли бўлиб, олд томонида қадимги туркларга хос қиёфадаги ҳукмдор тасвири ва тескари томонида сугдий ёзувда "жабғу", "жабғу-хоқон" каби хоқонлик билан боғлиқ унвол ва васфлар, "Тарду хоқон", "Елби Ишбара жабғу-хоқон", "Илоҳий Тун жабғу-хоқон" сингари ҳукмдорлар исмлари ва хоқонликнинг этносий номи сифатида "Турк-хоқон" ибораси учраши ушбу тангаларнинг айнан хоқонликка тегишли тангалар бўлиганидан дарак беради.

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, яқин йилларгача кўпгина тадқиқотларда VI — VIII асрларга тааллуқли тангаларнинг бир бўлагини "Қадимги турк тангалари" гуруҳи ташкил қилиши таъкидланса-да, уларнинг қайси ҳукмдор ёки сулолаларга тегишлилиги масаласи ҳал қилинмаган, ҳатто "хоқонлик танга зарб қилдирилгани ёки йўқми?" мазмундаги фикр деярли ўртага ташланмаган, кўпчилик тадқиқотчилар орасида илк туркий тангалар Турғаш хоқонлиги томонидан зарб қилинган деган қараш ўринлашиб қолганини урғулаш лозим.

Энг муҳими шунки, Турк хоқонлигининг марказлари бўлиши на Урхун водийсида, на Ертисувда хоқонлик билан алоқадор нумизматик ашёлар топилмагани боис, шу пайтгача тадқиқотчилар орасида "хоқонлик танга-пул тизимига эга бўлмаган" мазмундаги фикр ҳукмрон эди. Нихоят Тошкент воҳасидан Г'арбий Турк хоқонлигига тааллуқли юзлаб нусхада юқорида кўриб ўтилган мис тангаларнинг топилиши бу масалага ойдинлик киритиши баробарида, ушбу хоқонлиқнинг давлат сифатида шаклланиш жараёнларини ҳам очиб берди. Яъни Г'арбий хоқонлиқнинг шаклланиш жараёнларини изчил ёритиш имконини бермайдиган тафсилотларга эга хитой ва қисман бошқа тиллардаги манбалар маълумотларини Тошкент воҳаси нумизматик материаллари тўлдирди.

Дарвоқе, Г'арбий Турк хоқонлиги шаклланишида урта босқични босиб ўтган бўлиб, илк босқичда Турк хоқонлигининг Г'арбий қаноти ўлароқ, бошқарувчилари ябғу унволи билан ҳукм юритар ва марказий ҳокимият моҳиятидаги Шарқий хоқонликка бўйсуниларди, яъни Ябғулик даври — VI асрнинг 60-йиллари ва охири чораги; иккинчи босқичда эса Г'арбий қанот ўз сиёсий фаолиятида деярли мустақил бўлиб, Шарқий хоқонликка номинативга бўйсунувчи сиёсий бирлик ўлароқ, ҳукмдорлари ябғу-хоқон унволида ҳукм юритдиларди, яъни Ябғу-хоқонлик даври — VI аср охирилари — VII аср 30-йиллари; ниҳоят учинчи босқичда Шарқий Турк хоқонлигига 630 йилда Ҳитойнинг Тан сулоласи томонидан барҳам берилган, Турк хоқонлигининг вориси сифатида Г'арбий қанотнинг мустақил давлат — хоқонликка айланиши ва унинг бошқарувчилари олий ҳукмдорлиқни ифодаловчи хоқон унволи билан ҳокимият юргиза бошлаган даври — VII аср 30-йиллари — VIII асрнинг иккинчи чораги. Бинобарин, Чоч ўз тангаларида нафақат жабғу — жабғу-хоқон — хоқон каби унволлар узвийлиги ёки иконографик, палеографик ва тамгалар шакли сингари хусусиятлари билан юқорида келтирилган Г'арбий Турк хоқонлигининг шаклланиш босқичларини ўзда акс эттирди, балки бир муддат ушбу хоқонлиқнинг бошқарув марказларидан бири бўлиб туриши баробарида, хоқонлик учун давлат рамзларидан бўлган танга-пул зарб қилишга мос ҳудуд бўлиб хизмат қилди.

Хуллас, бир-биридан фарқи тиллардаги ёзма манбаларда ўрин олган маълумотлар ва нумизматик материаллар Чоч воҳасининг маълум давр мобайнида Г'арбий Турк хоқонлигининг бошқарув марказларидан бирига айланганидан дарак беради. Воҳанинг ҳам бошқарув маркази бўлиши, ҳам стратегик ва иқтисодий жиҳатдан муҳимлиги Г'арбий Турк хоқонлиги ҳукмдорларига ўз танга-пулларини айнан Чоч воҳасида зарб қилдиришлари учун замин яратди.

Бу каби маълумотларнинг тадқиқ қилиниши ва уларга доир ашёларнинг музейларга жойлаштирилиши Тошкент шаҳрини илм-фан, маданият ва туризм марказларидан бирига айлантиришда ниҳоятда муҳимдир. Шу билан бирга, улар ёшларнинг тарихга оид билимларини мустаҳкамлаб қолмай, миллий ғурурини, ватанпарварлик, эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғуларини юксалтиради.

**Ғайбулла БОБОЁРОВ,**  
**ЎзРФА Миллий археология маркази**  
**отакчи илмий ходими,**  
**тарих фанлари доктори.**